

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/29.08.2023. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

ДЕХКАНОВА НИГОРА НАМАНЖАНОВНА

**13 X ТИПИДАГИ ЦЕОЛИТЛАРДА ОЛТИНГУГУРТЛИ БИРИКМАЛАР
АДСОРБЦИЯСИНИНГ ТЕРМОДИНАМИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ИОН-МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дехканова Нигора Наманжановна

13 X типдаги цеолитларда олтингугуртли бирикмалар адсорбциясининг термодинамик хусусиятлари ва ион-молекуляр механизмлари 3

Дехканова Нигора Наманжановна

Термодинамические свойства и ионно-молекулярные механизмы адсорбции серосодержащих соединений на цеолитах типа 13 X 21

Dexkanova Nigora Namanjanovna

Thermodynamic properties and ion-molecular mechanisms of adsorption of sulfur-containing compounds on Type 13 X zeolites.....

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/29.08.2023. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

ДЕХКАНОВА НИГОРА НАМАНЖАНОВНА

**13 X ТИПИДАГИ ЦЕОЛИТЛАРДА ОЛТИНГУГУРТЛИ БИРИКМАЛАР
АДСОРБЦИЯСИНИНГ ТЕРМОДИНАМИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ИОН-МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/K644 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институти, Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.iopx.uz va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳматқариева Феруза Гайратовна
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Қулдашева Шахноза Абдулазизовна
кимё фанлари доктори, профессор

Ихтиярова Гулнора Акмаловна
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «04» ноябрь соат 11⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71, e-mail: nic_i_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (558-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71.

Диссертация автореферати 2023 йил «23» октябрь куни тарқатилди.
(2023 йил «23» октябрдаги № 3 рақамли реестр баённомаси)

О.К.Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.Ш.Шеркўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

А.С.Боймирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги. Дунёда нефть-газ, фармацевтика ва бошқа саноат ишлаб чиқариш заводларида атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган турли тузилишга эга, олтингугуртли газ ҳолатдаги бирикмалар олинадиган маҳсулотнинг сифатнинг пасайишига олиб келади. Асосан табиий газ ва нефть маҳсулотлари таркибидаги метилмеркаптан, углерод оксисульфид ва водород сульфид газларидан тозалаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Олтингугуртли микроўлчамли кўшимчалардан тозалашда юқори сорбцион хусусиятга эга синтетик цеолитлардан фойдаланилади. Шунингдек, ҳозирда адсорбцион тозалашда узок вақт хизмат қиладиган юқори сорбцион ҳажмдаги микроғовакли адсорбентларга бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Юқори сорбцион хусусиятини сақлаган ҳолда узок муддат ишлатиладиган цеолитларни олиш усуллари аниқлаш ва олинган натижалар асосида илмий ва амалий янгиликларга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда адсорбцион усулда тозалаш учун зарур бўлган микроғовакли синтетик адсорбентлар ва уларнинг сорбцион жараёни механизмларини ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ҳозирда мавжуд синтетик микроғовакли цеолитларнинг таркибини аниқлаш; цеолитларни эксплуатацион хусусиятларини аниқлаш; кислоталик хоссасини намоён қилувчи бирикмалар цеолит структурасига таъсирини аниқлаш; адсорбцияланган олтингугуртли газларнинг тўлиқ термодинамик хусусиятлари ва термокинетик қонуниятини ўрганиш; синтетик цеолитларни узок муддат сорбцион хоссаларини сақлаб қолиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кимё саноатини жадал ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, рақобатбардош маҳсулотларнинг турларини ва ҳажмини кенгайтиришга олиб келмоқда. Жумладан, микроғовакли адсорбентлар синтез қилиш ва уларнинг адсорбцион хусусиятларини тўлиқ ўрганиш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишида «Нефть-газ соҳасида трансформация жараёнларини жадаллаштириш орқали табиий газ таъминотида ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган ҳолда бозор механизмларини жорий этиш»¹ вазифалари белгиланган. Бу борада микроғовакли адсорбентларни олиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805 «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сон 28-январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда олиб борилаётган тадқиқот ишларида асосан цеолитларнинг структураси ва уларда катионлар жойлашиш ҳолати кўпроқ ёритилган бўлиб, олтингугуртли бирикмаларнинг адсорбция жараёнлари механизми, молекуляр термодинамик хусусиятлари ҳақида маълумотлар кам учрайди.

Хорижий олимларнинг тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики М.М. Дубинин биринчилардан бўлиб, калориметрик усулда СаА цеолитларига сув молекуласининг адсорбцияси изотермаларини аниқлаган. Anne Julbe ва Martin Drobek лар цеолитларда катион алмашилиши ва тузилишини, Tao Zhu, Xing Zhang лар учувчан органик бирикмалар адсорбцияси, Италиялик G. Martra, S. Coluccia ва бошқалар ИК спектр усули ёрдамида NaX ва NaY цеолитларига аммиак ва бензолнинг адсорбциясини, Anett Kondor, András Dallosлар, Huimin Zheng, Liang Zhao ва бошқалар фожазитларга моно- ва ди- ароматик бирикмалар адсорбциясини изотермаларини газ-суюқлик хроматографияси ёрдамида ўрганган.

Ўзбекистонда А.А. Агзамхожаев, С.С. Хамраев, С.З. Мўминов, И.Д. Эшметов, Д.С. Салиханова, Ш.А.Кулдашевлар Ангрен кўмири ва гил минералларига, Ҳ.И. Акбаров, А.Ю. Яркуловлар полимер-кремнезем гибрид нанокомполитларга ҳар хил молекулалар адсорбциясини вакуумли магбен қурилмасида ўрганишган. Мамлакатимизда к.ф.д., профессор Г.У. Раҳматқариев раҳбарлигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакиллари Ф.Г. Раҳматқариева, О.К.Эргашев, Х.Н.Бахронов, Э.Б.Абдурахмонов, Д.Ж.Жумаева, Й.Ю.Якубов, Ғ.А.Долиев, Т.Д.Абдулхаев, М.Х.Коххаров ва бошқалар томонидан А, X, Y ва LSX русумидаги цеолитлар, гил минераллари, аэросил, мусковит, силикалит, рутил ва бошқа адсорбентларни юқори вакуумли адсорбцион микрокалориметрик қурилмада борадиган адсорбцион жараёнлар механизмини тўлиқ ёритиш бўйича катта ҳажмдаги тадқиқотларни амалга оширилган.

Шу билан бирга синтетик цеолитларни синтез қилиш, кинетикаси ва термодинамик параметрларини тадқиқ этиш, уларнинг физик-кимёвий ва технологик кўрсаткичларини аниқлаш, яратилган микроғовакли адсорбентларнинг ҳосил қилиш механизмларини исботлаш, регенерациялаш-

нинг содда, энергия тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф-7-010 рақамли «Наноструктурали фожазит типдаги цеолитлар панжараси юзасида ион-молекуляр кластерларни энергетикаси, тузилиши ва жойлашиши» (2017-2020 йй.) ва «Алюминий ва кремний оксидлари бўлган импорт адсорбентлари ўрнини босиш, адсорбция назарий асосларини ривожлантириш мақсадида асоси каолин бўлган адсорбент микроғоваклари ва юзаларида сув буғи, метил ва этил спиртлари ва бошқа бирикмаларни сорбция энергетикасини тадқиқ этиш» ва «Қатор сорбентларни импорт ўрнини босиш ва адсорбция назарий асосларини ривожлантириш мақсадида цеолит, кўмир адсорбентлари юзасида сульфидлар ва бошқа бирикмаларни сорбция энергетикасини тадқиқ этиш» (2022 й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари ва бюджет дастурини бажариш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 13 X типдаги Na^+ ва Li^+ катионли цеолитларида водород сульфид, углерод оксисульфид ва метилмеркаптан молекулалари адсорбциясининг тўлиқ термодинамик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

13 X типдаги Na^+ ва Li^+ катионли цеолитларида водород сульфид, углерод оксисульфид ва метилмеркаптан молекулалари адсорбциясининг изотермалари, дифференциал иссиқлиги, энтропия ва термокинетикаси тавсифларни аниқлаш;

13 X типдаги цеолитларида водород сульфид, углерод оксисульфид ва метилмеркаптан молекулалари адсорбцияси изотермаларини тадқиқ қилиш ва уларни микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назариясига тегишли бўлган тенгламалар орқали тавсифлаш;

водород сульфид, углерод оксисульфид ва метилмеркаптан молекулалари молекуляр намуна сифатида фойдаланган ҳолда, NaX ва LiX цеолитлари структурасини тадқиқ қилиш;

13 X типдаги Na^+ ва Li^+ катионли цеолитлари матричасига водород сульфид, углерод оксисульфид ва метилмеркаптан молекулалари ютилишидан ҳосил бўладиган ион-молекуляр комплексларнинг ҳолати ва адсорбцион механизмларини аниқлаш;

13 X типдаги Na^+ ва Li^+ катионли цеолитларининг эксплуатацион даврийлигини аниқлаш ва адсорбцион имкониятларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 13 X типдаги Na^+ ва Li^+ катионли цеолитлари, водород сульфид, углерод оксисульфид ва метилмеркаптан молекулаларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети 13 X типдаги Na^+ ва Li^+ катионли цеолитлари, водород сульфид, углерод оксисульфид ва метилмеркаптан молекулалари адсорбция қонуниятлари, цеолитлар супербўлиқғида ион-молекуляр комплексларнинг шаклланиши, адсорбциянинг молекуляр механизмлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физик ва коллоид-кимёвий, аналитик, адсорбцион-калориметрик тадқиқот ва таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори вакуумли микрокалориметрик қурилмада ҳажмий усулда 13 X типдаги Na^+ ва Li^+ катионли цеолитларда H_2S , CH_4S ва COS молекулалари адсорбциясининг тўлиқ термодинамик хусусиятлари аниқланган;

13 X цеолитларида H_2S , CH_4S ва COS молекулалари адсорбцияси дифференциал иссиқлиги поғонасимон кўринишда бўлиб, ҳар бир поғонада ҳосил бўлган $(\text{H}_2\text{S})_n/\text{Me}^{n+}$, $(\text{CH}_4\text{S})_n/\text{Me}^{n+}$ ва $(\text{COS})_n/\text{Me}^{n+}$ ион-молекуляр комплекслар стехиометрик ўлчамларга мос келиши исботланган;

13 X цеолитларида H_2S , CH_4S ва COS молекулалари адсорбция энтропияси стандарт ҳолат энтропия қийматларидан анча пастда бўлиши адсорбат молекулаларининг Na^+ ва Li^+ катионлари билан $(\text{H}_2\text{S})_n/\text{Me}^{n+}$, $(\text{CH}_4\text{S})_n/\text{Me}^{n+}$ ва $(\text{COS})_n/\text{Me}^{n+}$ ион-молекуляр комплекслар ҳосил қилганлигидан далолат беради. Шунингдек, H_2S , CH_4S ва COS молекулалари 13 X цеолитлари матричасига локализацияланиши аниқланган;

кислоталик хоссаларини намоён қилувчи газ ҳолатдаги олтингугуртли бирикма молекулаларига, ўрганилган NaX ва LiX цеолитлар структурасининг чидамлилиги аниқланган;

13 X типдаги Na^+ ва Li^+ катионли цеолитларда H_2S , CH_4S ва COS молекулалари адсорбция изотермалари микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назариясининг математик тенгламалари асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

13 X типдаги Na^+ ва Li^+ катионли цеолитларга водород сульфид, углерод оксисульфид ва метилмеркаптан молекулалари адсорбциясининг асосий термодинамик тавсифлари, изотерма, энтальпия, дифференциал молли энтропия ва термокинетика натижаларига асосланган ҳолда янги авлод юқори самарадор микроғовакли сорбентларни синтез қилиш имконияти яратилган;

«Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ да нефт маҳсулотларидан микроўлчамли олтингугуртли бирикмаларни адсорбция қилиб ажратиб олиш имкониятлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий (аналитик кимё), физик-кимёвий ва адсорбцион-калориметрик таҳлиллардан фойдаланилган ҳолда, лаборатория-тажриба синовлари билан ишончлилиги тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти физик-кимёвий адсорбцияга оид назарий билимларни ривожланишига ҳамда юқори аниқликка эга бўлган махсус юқори вакуумли адсорбцион қурилма ёрдамида олинган натижаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича олинган маълумотларга асосланиб, синтетик 13 X типдаги цеолитларга олтингугуртли бирикмалар адсорбцияси термодинамик функцияларини тўлиқ аниқлашга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли хил ўлчамдаги газ ҳолатдаги олтингугуртли бирикма молекулаларининг 13 X типидagi цеолитларга ютилишини бошланғич босимдан то бир атмосфера босимигача бўлган жараённинг тўлиқ адсорбцион механизмларини ва адсорбат молекулаларининг фаол марказлардаги катионлар билан ҳосил қилган ион-молекуляр комплексларини ҳосил бўлишини ўрганган ҳолда, янги турдаги микроғовакли адсорбентларнинг олиниши ва қўлланилишига хизмат қилади. Бундан ташқари ОТМ магистрантларига физик, коллоид ва тиббий кимё фанидан ўтиладиган махсус курсларда қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. NaX ва LiX цеолитлар аналогларининг адсорбцион хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Нефт маҳсулотларини водород сульфид, метилмеркаптан ва этилмеркаптан молекулаларидан тозалашда 13X русумидаги цеолит аналоглари «Фарғона НҚИЗ» МЧЖнинг «2024-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Фарғона НҚИЗ» МЧЖнинг 2023 йил 24 мартдаги 02-03-01/54-сон маълумотномаси). Натижада, нефт маҳсулотларини водород сульфид молекулаларидан 99% гача, метилмеркаптан ва этилмеркаптан молекулаларидан 98,5% гача тозалаш имконини берди.

Нефтни қайта ишлашда чиқадиган оқова сувларни нефт маҳсулотларидан тозалашда 13X русумидаги типидagi цеолит аналоглари «Фарғона НҚИЗ» МЧЖнинг «2024-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Фарғона НҚИЗ» МЧЖнинг 2023 йил 24 мартдаги 02-03-01/54-сон маълумотномаси). Натижада, нефтни қайта ишлашда чиқадиган оқова сувларни нефт маҳсулотларидан 93,3% гача тозалаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та Республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 1 таси МДХда журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари, ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, объекти ва предмети, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги, тадқиқотнинг

илмий янгилиги, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“13X типдаги синтетик цеолитларнинг физик-кимёвий хоссалари ва улардаги актив марказларнинг ўзига хослиги (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида, X типдаги синтетик цеолитлар ҳақида умумий тушунча, уларнинг адсорбцион хусусиятлари, цеолитларда олтингугуртли бирикмалар адсорбциясининг термодинамик хусусиятлари, ион-молекуляр механизмлари, олтингугуртли бирикмаларнинг адсорбцияси бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Изланиш объектлари ва физик-кимёвий тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида универсал адсорбцион-микрокалориметрли қурилмаларда ишлаш ва олинган натижаларни назарий ҳисоблашларда фойдаланиладиган формулалар ва адсорбент сифатида X типдаги цеолитлар тури ва адсорбат сифатида олтингугуртли бирикмалар тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.


Диссертациянинг **“NaX цеолитига водород сульфид, метилмеркаптан ва углерод оксисульфид адсорбцияси қонуниятлари”** деб номланган учинчи бобида NaX цеолитига водород сульфид, метилмеркаптан ва углерод оксисульфид молекулаларининг адсорбция изотермаси, дифференциал иссиқлиги, адсорбция дифференциал энтропияси ҳамда адсорбция мувозанат вақти, адсорбатларнинг цеолит супербушлиқларига сўрилиши калориметрик таҳлиллари келтирилган.

1(a)-расмда NaX цеолитига водород сульфид молекулалари адсорбцияси миқдори (a , ммоль/г) бўйича дифференциал иссиқлиги (Q_d , кЖ/моль) ўзгариши графиги берилган. Водород сульфид адсорбцияси иссиқлик конденсация (ΔH_v) узук чизиқлар билан кўрсатилган. Бошланғич тўйинишларда адсорбция миқдори 0,01 ммоль/гни ташкил қилади, дифференциал иссиқлик эса 60,01 кЖ/молни ташкил қилади. 0,23 ммоль/г водород сульфид молекуласи адсорбцияланганда дифференциал иссиқлик 50,91 кЖ/молга тенг бўлади. Водород сульфид молекулалари адсорбциясининг нисбатан доимий дифференциал иссиқлиги 0,24 ммоль/гдан 2,4 ммоль/г оралиғида бориб, адсорбатнинг иссиқлик конденсацияси қийматидан ~2,35 баровар юқори бўлади. Дифференциал иссиқлик 49,73 кЖ/мольдан 50,37 кЖ/мольгача бироз кўтарилади, бу ерда 0,87 ммоль/г водород сульфид адсорбцияланади. NaX цеолитининг битта супербўшлигида жами 4.63 ммоль/г водород сульфид молекулалари адсорбцияланади.


1(b)-расмда NaX цеолитига водород сульфид молекулалари адсорбция изотермаси икки ҳадли микроғовакларнинг тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида тавсифланди.

$$a = 2.67 \exp[-(A/19,76)^5] + 3.43 \exp[-(A/10.10)^4]$$

a -микроговакларда адсорбция миқдори, $A=RT \ln(P^0/P)$ -эркин энергия иши (кЖ/моль).



1-расм. 303 К ҳароратда NaX цеолитига водород сульфид адсорбция дифференциал иссиқлиги (a), изотермаси (b)




2-расм. 303 К ҳароратда NaX цеолитига водород сульфид адсорбция энтропияси (a), мувозанат вақти (b)

2(a)-расмда NaX цеолитида водород сульфид адсорбцияси дифференциал энтропияси келтирилган. Жараён бошланишида энтропия қиймати $-30,27$ Ж/моль*Кни ташкил қилади. Ундан кейин эса адсорбция энтропиясида бироз максимум ўсиш кузатилиб, $-20,42$ Ж/моль*Кгача кўтарилди. Кейинги адсорбат молекулалари адсорбциясида дифференциал энтропия графиги аста секинлик билан $3,95$ ммоль/ггача бўлган ораликликларда энтропия қийматларида пасайиш кузатилади. Энг максимал пасайиш $-53,87$ Ж/моль*Кни ташкил қилади. Бунда водород сульфид молекулалари кучли локализацияланган ҳолатда бўлади. Цеолитнинг супербўшлиғида $0,36$ ммоль/гдан $4,05$ ммоль/г адсорбция ораликларида адсорбат молекулалари S_{II} бўшлиқда адсорбцияланади. Бунда уртача интеграл энтропия $-34,28$ Ж/моль*К ни ташкил этади. Адсорбция миқдори $4,5$ ммоль/гдан кейинги адсорбцияланган водород сульфид молекулалари аста секинлик билан стандарт ҳолат энтропиясини ташкил қилади.

2(b)-расмда NaX цеолитига водород сульфид адсорбцияси иссиқлик мувозанат вақти (термокинетикаси) келтирилган. Ушбу цеолитда мувозанат вақти чизиқлари дастлаб юқоридан кескин пастлашиши $0,3$ ммоль/гдан кейин эса тўлқинсимон кўринишда боради. NaX цеолитига водород сульфид адсорбцияси мувозанат вақти дастлаб $4,79$ соатни ташкил қилади. Адсорбция миқдори $0,12$ ммоль/га етганда эса адсорбция иссиқлик мувозанат вақти $2,33$

соатни ташкил қилади. Кейинги водород сульфид молекулалари адсорбцияланишида кичик минимум ва максимум қийматларни ҳосил қилади ва иссиқлик мувозанатга келишига 1,2 соат вақт сарфланади. Жараён охирида мувозанат вақти 10 дақиқагача камаяди.



3-расм. 303 К ҳароратда NaX цеолитига метилмеркаптан адсорбция дифференциал иссиқлиги (a), изотермаси (b)


3(a)-расмда NaX цеолитига метилмеркаптан молекулалари адсорбцияси миқдори (a , моль/г) бўйича дифференциал иссиқлиги (Q_d , кЖ/моль) ўзгариши графиги берилган. Дастлабки тўйинишларда метилмеркаптан молекулалари адсорбция миқдори 0,01 ммоль/гни ташкил қилади, дифференциал иссиқлик эса 51,95 кЖ/молни ташкил қилади. Адсорбция 0,1 ммоль/г га етганда дифференциал иссиқлик 50 кЖ/молга тенг бўлади. 0,1 ммоль дан кейинги метилмеркаптан молекулалари адсорбцияси иссиқлиги нисбатан доимий бўлади. Булар 0,1 ммольдан 2,87 ммоль/г оралигида бориб, адсорбатнинг иссиқлик конденсацияси қийматидан $\sim 2,22$ баровар юқори бўлади. 2,87 ммоль/г дан кейинги метилмеркаптан молекулаларининг адсорбция дифференциал иссиқлигининг графиги тўлқинсимон кўринишда пасайиб боради. Адсорбция 0,78 ммоль/г га етганда адсорбция иссиқлигида бироз пасайиш кузатилади. Бунда дифференциал иссиқлик 47,17 кЖ/молга тенг бўлади. Кейинги метилмеркаптан молекулалари адсорбциясида дифференциал иссиқликда бироз ўсиши кузатилади. Кейинги босқичда яъни 2,87 ммоль/гдан кейинги метилмеркаптан молекуласи иссиқлиги 42,69 кЖ/молга тенг бўлади ва бунда адсорбция миқдори 3,45 ммоль/гга тенг бўлади. Жараён охирида адсорбция иссиқлиги 24,62 кЖ/молга тенглашади. Бу иссиқлик доимийлиги 4,63 ммоль/ггача давом этади. Бунда метилмеркаптан конденсация иссиқлиги 23 кЖ/молга тенг бўлади. NaX цеолитининг битта супербўшлиғига жами 5.11 ммоль/г метилмеркаптан молекулалари адсорбцияланади.

3(b)-расмда NaX цеолитида метилмеркаптан молекулалари адсорбция изотермаси уч ҳадли микроғовакларнинг тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида тавсифланди.

$$a = 1.224 \exp[-(A/15.98)^3] + 1.339 \exp[-(A/11.49)^5] + 3.569 \exp[-(A/4.05)^3]$$


4(a)-расмда NaX цеолитида метилмеркаптан адсорбцияси дифференциал энтропияси келтирилган. Жараён бошланишида энтропия қиймати -13.78 Ж/моль*Кни ташкил қилади. 0.47 ммоль/гада энтропия қиймати -42,53

Ж/моль*Кни кўрсатади ва бунда адсорбция $a=0,03$ ммоль/г (Na^+ катионига адсорбцияланади) $\text{CH}_4\text{S}/\text{Na}^+$ ни ташкил этади. Ундан кейин эса адсорбция энтропиясида бироз максимум ўсиш кузатилиб, кейинги молекула метилмеркаптан бироз тўлқинсимон кўринишда минимум максимум чизиқлар ҳосил қилади. Адсорбция 1 ммоль/г ва 4,27 ммоль/га оралиқларида ўртача интеграл энтропия қийматидан пастда боради. Ўртача интеграл энтропия $-47,11$ Ж/моль*К ни ташкил этади. Адсорбция миқдори 4,5 ммоль/гдан кейинги адсорбцияланган метилмеркаптан молекулалари аста секинлик билан ҳаракатчан ҳолатга ўтади.



4-расм. 303 К ҳароратда NaX цеолитига метилмеркаптан адсорбция энтропияси (a), мувозанат вақти (b)

4(b)-расмда NaX цеолитига метилмеркаптан адсорбцияси иссиқлик мувозанат вақти (термокинетикаси) келтирилган. Адсорбция миқдори 0,12 ммоль/га етганда адсорбция иссиқлик мувозанат вақти 2,33 соатни ташкил қилади. Метилмеркаптан цеолит бўшлиқларидаги катионлар билан ўзаро таъсирда бўлганлиги сабабли мувозанат вақти узоқ давом этмайди. Жараён охирида мувозанат вақти 2 дақиқагача камаяди.



5-расм. 303 К ҳароратда NaX цеолитига углерод окси сульфид адсорбция дифференциал иссиқлиги (a), изотермаси (b)

5(a)-расмда NaX цеолитига углерод оксисульфид молекулалари адсорбцияси миқдори (a , ммоль/г) бўйича дифференциал иссиқлиги (Q_b , кЖ/моль) ўзгариши графиги берилган. Дастлабки олтингугурт оксид углерод молекулалари адсорбция дифференциал иссиқлиги 51,95 кЖ/молни, ютилган адсорбат миқдори 0,01 ммоль/гни ташкил қилади. Кейинги углерод оксисульфид молекулалари адсорбцияланишида ютилган миқдор 0,11 ммоль/г ва иссиқлик 45,94 кЖ/моль бўлади. Биринчи босқич, 0,32 ммоль/гда 49,39 кЖ/моль иссиқлик билан боради. Адсорбция миқдори 0,74 ммоль/гда


биринчи поғонали босқични ташкил қилади. Бунда адсорбция дифференциал иссиқликлари кам ўзгаришларда боради, яъни 45,97 кЖ/моль/дан 46,39 кЖ/молгача ўсиши кузатилади. Иккинчи поғонали босқич боришида 0,84 ммоль/г углерод оксисульфид молекулалари сорбцияланади ва бу элементар ячейка ҳисобида 1,1 сорбат молекуласини ташкил қилади. Бу босқичда адсорбция иссиқлиги 46,39 кЖ/молдан 43,83 кЖ/молгача пасайиш билан боради. Учинчи поғонали босқичда адсорбция миқдорлари 1,58 ммоль/г дан 2,51 ммоль/г оралиғида боради ва дифференциал иссиқлик 43,83 кЖ/молдан 41,63 кЖ/молга тенг бўлади. Кейинги тўртинчи поғонада адсорбция 2,51 ммоль/гдан 3,38 ммоль/г оралиқларида боради. Адсорбция иссиқлиги орасидаги фарқ 1,47 кЖ/молга тенг бўлади. Бунда дифференциал иссиқлик 41,63 кЖ/молдан 37,00 кЖ/молга тенг бўлади. Охириги бешинчи поғонада 3,38 ммоль/гдан 4,42 ммоль/г оралиқларида боради. Адсорбция иссиқлиги 37,0 кЖ/молдан 24,41 кЖ/молга пасаяди. Охириги босқичда иссиқлик бироз кўтарилди ва 303 К да углерод оксисульфид конденсациясининг иссиқлигига қараб кескин тушиб кетади.

NaX цеолитда жами 4,42 ммоль/г углерод оксисульфид молекулалари адсорбцияланади. Шулардан S_{II} бўшлиқда 4,31 ммоль/г, S_{III} бўшлиқда эса 0,11 ммоль/г жойлашади.

5(b)- NaX цеолитига углерод оксисульфид адсорбция изотермаси келтирилган. NaX цеолитига углерод оксисульфид молекуласининг адсорбция изотермаси икки ҳадли микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида тавсифланди.

$$a=4,1\exp[(A/13,37)^3]+1,89\exp[(A/8,18)^5]$$

6(a)-расмда NaX цеолитида углерод оксисульфид адсорбцияси дифференциал энтропияси келтирилган. Адсорбция дифференциал энтропияси дастлаб 16,12 Ж/моль*К дан бошланади.




6-расм. 303 К ҳароратда NaX цеолитига углерод оксисульфид адсорбция энтропияси (a), мувозанат вақти (b)

Энтропия қийматининг стандарт ҳолат ($S_d=0$ кЖ/моль*К) дан юқори бўлиши, дастлабки ютилган молекулаларнинг S_{III} бўшлиқда адсорбцияланаётганлиги билан изоҳланади. Адсорбция 0,25 ммоль/гдан 4,25 ммоль/г оралиқларда энтропия қиймати стандарт ҳолат энтропиясидан кичик бўлиши аниқланди. Адсорбция молли энтропия графиги ва қийматларидан маълумки, углерод оксисульфид молекулаларининг жами адсорбция

микдорининг 88,5% ҳаракати чекланган ва ўртача интеграл дифференциал энтропия $-18,47 \text{ Ж/моль} \cdot \text{К}$ бўлади.

6(b)-расмда NaX цеолитига углерод оксисульфид молекуласи адсорбцияси иссиқлик мувозанат вақти (термокинетикаси) келтирилган. NaX цеолитига углерод оксисульфид молекуласи адсорбцияси мувозанат вақти дастлаб 4,2 соат давом этади ва адсорбция микдори 0,03 ммоль/гни ташкил қилади. Кейинги молекула углерод оксисульфид молекуалари адсорбцияланишига мувозанат қарор топишига 2,33 соат сарфланади. 4 ммоль/г дан кейин адсорбция мувозанат вақти кескин тушиб кетади ва жараён охирида 7 дақиқани ташкил қилади.

Диссертациянинг **“LiX цеолитига водород сульфид, метилмеркаптан ва углерод оксисульфид адсорбцияси қонуниятлари”** деб номланган тўртинчи бобида LiX цеолитига водород сульфид, метилмеркаптан ва углерод оксисульфид молекулаларининг адсорбция изотермаси, дифференциал иссиқлиги, адсорбция дифференциал энтропияси ҳамда адсорбция мувозанат вақтлари ҳақида маълумотлар батафсил берилган.



7-расм. 303 К ҳароратда LiX цеолитига водород сульфид адсорбция дифференциал иссиқлиги (a), изотермаси (б)


7(a)-расмда LiX цеолитига водород сульфид молекулалари адсорбцияси микдори (a) бўйича дифференциал иссиқлиги (Q_d) ўзгариши графиги берилган. Водород сульфид адсорбцияси иссиқлик конденсация (ΔH_v) узук чизиқлар билан кўрсатилган. Водород сульфид адсорбцияси нисбатан доимий дифференциал иссиқлиги 0,25 ммоль/гдан 3,67 ммоль/г оралиғида бориб, адсорбатнинг иссиқлик конденсацияси қийматидан $\sim 2,31$ баровар юқори қийматларда боради. Водород сульфид молекулаларининг адсорбция дифференциал иссиқлигининг ҳар бир ўзгариши ўзига хос сорбцион хусусиятларга эга бўлади.

Дифференциал иссиқлик 55,63 кЖ/молдан бошланиб 49,38 кЖ/молга пасаяда, бу ерда адсорбция 0.02-0.25 ммоль/г оралиғи бўлади. Бу босқичда водород сульфид молекулалари кичик бўлганлиги сабабли LiX цеолитининг 12 халқали кириш ойналарига яқин қисмида, яъни S_1 бўшлиғида адсорбцияланади. Адсорбция иссиқлиги 49,38 кЖ/молдан 52,33 кЖ/молгача кўтарилди ва бунда адсорбция микдори 0,25 ммоль/гдан 0,75 ммоль/г ораликларида боради. Кейинги 0,5 ммоль/г водород сульфид молекулалари адсорбцияланишида доимий иссиқлик ≈ 52 кЖ/молни ташкил қилади. Водород сульфиднинг конденсация иссиқлиги 22 кЖ/молга тенг бўлади. LiX

цеолитининг битта супербўшлиғида жами 5,06 ммоль/г водород сульфид молекуласи адсорбцияланади.

7(b)-LiX цеолитига водород сульфид адсорбция изотермаси келтирилган. LiX цеолитига водород сульфид молекуласининг адсорбция изотермаси икки ҳадли микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида тавсифланди.

$$a = 3.165 \exp[-(A/19.99)^4] + 2.515 \exp[-(A/11.34)^5]$$




8-расм. 303 К ҳароратда LiX цеолитига водород сульфид адсорбция энтропияси (a), мувозанат вақти (b)

8(a)-расмда LiX цеолитида водород сульфид адсорбцияси дифференциал энтропияси келтирилган. Адсорбция дифференциал энтропияси дастлаб -9,5 Ж/моль*К дан бошланади ва бунда адсорбция $a=0,04$ ммоль/г (Li^+ катионига сўрилади) $\text{H}_2\text{S}/\text{Li}^+$ ни ташкил этади. Ундан кейин эса адсорбция энтропиясида бироз максимум ўсиш кузатилиб, -3,7 Ж/моль*К гача кўтарилади. 0,17 ммоль/гдан кейинги водород сульфид молекулалари адсорбцияланишида энтропия кўрсаткичлари кескин пасайиш билан боради. Адсорбция миқдори 3,54 ммоль/гга етганда эса энтропия -59,04 Ж/моль*К га тенглашиб, минимал қийматга етади. 3,54 ммоль/гдан кейинги адсорбат молекулалари адсорбцияси энтропия қийматида ўсиш кузатилади. Цеолитнинг супербўшлиғида 0,5 ммоль/гдан 3,85 ммоль/ггача бўлган адсорбция ораликларида адсорбат молекулалари S_{II} бўшлиқда адсорбцияланади. Бунда ўртача интеграл энтропия -37,47 Ж/моль*К ни ташкил этади.


8(b)-расмда LiX цеолитига водород сульфид адсорбцияси иссиқлик мувозанат вақти келтирилган. Ушбу цеолитда мувозанат вақти чизиклари дастлаб юқоридан кескин пасайиб, 0,2 ммоль/гдан кейин эса тўлқинсимон кўринишда боради. LiX цеолитига водород сульфид адсорбцияси мувозанат вақти дастлаб 4,98 соатни ташкил қилиб, 0,2 ммоль/г га етганда 0,8 соатни ташкил қилади. Кейинги водород сульфид молекулалари адсорбцияланишида мувозанат вақти 2 соатдан кам бўлиши кузатилади. Жараён охирида мувозанат вақти 10 дақиқагача камаяди.

9(a)-расмда LiX цеолитига метилмеркаптан молекулалари адсорбцияси миқдори (a , моль/г) бўйича дифференциал иссиқлиги (Q_d , кЖ/моль) ўзгариши графиги берилган.



9-расм. 303 К ҳароратда LiX цеолитига метилмеркаптан адсорбция дифференциал иссиқлиги (a), изотермаси (b)

Бошланғич тўйинишларда метилмеркаптан молекулалари адсорбция миқдори 0,02 ммоль/гни ташкил қилади, дифференциал иссиқлик эса 55,63 кЖ/молни ташкил қилади. Адсорбция 0,25 ммоль/г га етганда дифференциал иссиқлик 49,38 кЖ/молга тенг бўлади. 0,5 ммоль/г метилмеркаптан молекулалари сорбцияланиши учун 5,8 кЖ/моль энергия сарфланади.



10-расм. 303 К ҳароратда LiX цеолитига метилмеркаптан адсорбция энтропияси (a), мувозанат вақти (b)

Бу энергия сарфланишида дифференциал иссиқлик 49,38 кЖ/молдан 43,25 кЖ/молгача камаяди. Булар 0,77 ммоль/гдан 4,37 ммоль/г оралигида бориб, адсорбатнинг иссиқлик конденсацияси қийматидан ~2,0 баровар юқори бўлади. Учта $\text{CH}_4\text{S}/\text{Li}^+$ ва битта $\text{CH}_4\text{S}/\text{H}^+$ комплекслари жойлашуви тетраэдр шаклида бўлиб, бундай кластерлар супербўшлиқларнинг деярли барча бўш жойларини тўлдиради. LiX цеолитининг битта супербўшлиғида жами 5,65 ммоль/г метилмеркаптан молекуласи адсорбцияланади.


9(b)-LiX цеолитига метилмеркаптан адсорбция изотермаси келтирилган. NaX цеолитига метилмеркаптан молекуласининг адсорбция изотермаси уч ҳадли микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида тавсифланди.

$$a = 1.22 \exp[-(A/15.98)^3] + 1.33 \exp[-(A/11.27)^5] + 3.57 \exp[-(A/4.05)^3]$$

10(a)-расмда LiX цеолитида метилмеркаптан адсорбцияси дифференциал энтропияси келтирилган. Жараён бошланишида энтропия қиймати -30,9 Ж/моль*Кни ташкил қилади. 0,54 ммоль/гда энтропия қиймати -36,72 Ж/моль*Кни кўрсатади ва бунда адсорбция $a=0,54 \text{ CH}_4\text{S}/\text{Li}^+$ ни ташкил этади. Ундан кейин эса адсорбция энтропиясида бироз максимум ўсиш

кузатилиб, кейинги молекула метилмеркаптан бироз тўлқинсимон кўринишда минимум максимум чизиклар ҳосил қилади. Адсорбция 2,20 ммоль/г ва 50,72 ммоль/г оралиқларида ўртача интеграл энтропия қийматидан пастда боради. Ўртача интеграл энтропия $-41,92 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ ни ташкил этади.

10(b)-расмда LiX цеолитига метилмеркаптан адсорбцияси иссиқлик мувозанат вақти келтирилган. Ушбу цеолитда мувозанат вақти чизиклари дастлаб юқоридан кескин пастлашиши 0,15 ммоль/гдан кейин эса тўлқинсимон кўринишда боради. LiX цеолитига метилмеркаптан адсорбцияси мувозанат вақти дастлаб 2.8 соатни ташкил қилади. Адсорбция миқдори 0,12 ммоль/га етганда эса адсорбция иссиқлик мувозанат вақти 1,25 соатни ташкил қилади. Кейинги метилмеркаптан молекулалари адсорбциясида кичик минимум ва максимум қийматларни ҳосил қилади ва иссиқлик мувозанатга келишига 30 дақиқа вақт сарфланади. Жараён охирида мувозанат вақти 2 дақиқагача камаяди.




11-расм. 303 К ҳароратда LiX цеолитига углерод оксисульфид адсорбцияси дифференциал иссиқлиги (a), изотермаси (б)

11(a)-расмда LiX цеолитига углерод оксисульфид молекулалари адсорбцияси миқдори (a , ммоль/г) бўйича дифференциал иссиқлиги (Q_d , кЖ/моль) ўзгариши графиги берилган. Дастлабки углерод оксисульфид молекулалари адсорбция дифференциал иссиқлиги 54,03 кЖ/молни, ютилган адсорбат миқдори 0,04 ммоль/гни ташкил қилади. Кейинги углерод оксисульфид молекулалари адсорбцияланишида ютилган миқдор 0,16 ммоль/г ва иссиқлик 52,60 кЖ/моль бўлиб, 0,32 ммоль/гда 49,38 кЖ/моль иссиқлик билан боради. 0,32 ммоль/гда биринчи поғонали босқични ташкил қилади. Иккинчи поғонали босқич боришида 0,83 ммоль/г углерод оксисульфид молекулалари сорбцияланади ва бу элементар ячейка ҳисобида 1 сорбат молекуласини ташкил қилади. Бу босқичда адсорбция иссиқлиги 49,38 кЖ/молдан 47,27 кЖ/молгача пасайиш билан боради. Учинчи поғонали босқичда адсорбция миқдорлари 1,15 ммоль/г дан 2,07 ммоль/г оралиғида боради ва дифференциал иссиқлик 47,27 кЖ/молдан 43,65 кЖ/молга тенг бўлади. 0,92 ммоль/г углерод оксисульфид молекулалари сорбцияланиши учун 3,62 кЖ/моль энергия фарқи билан боради. Кейинги тўртинчи поғонада адсорбция 2,07 ммоль/гдан 3,24 ммоль/г оралиқларида боради. Охириги поғонада 3,24 ммоль/гдан 4,25 ммоль/г оралиқларида боради. Адсорбция иссиқлиги 42,18 кЖ/мольдан 36,90 кЖ/мольга пасаяди. LiX цеолитда жами

4,76 ммоль/г углерод оксисульфид молекулалари адсорбцияланади. Шулардан S_{II} позицияда 4,67 ммоль/г ва S_{III} позицияда 0,09 ммоль/г жойлашади.

11(b)-LiX цеолитига углерод оксисульфид адсорбция изотермаси келтирилган. LiX цеолитига углерод оксисульфид молекуласининг адсорбция изотермаси икки ҳадли микровоакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида тавсифланди.

$$a = 3.87 \exp[-(A/15.76)^3] + 4.62 \exp[-(A/6.32)^3]$$



12-расм. 303 К ҳароратда LiX цеолитига углерод оксисульфид адсорбция энтропияси (a), мувозанат вақти (b)

12(a)-расмда LiX цеолитида углерод оксисульфид адсорбцияси дифференциал энтропияси келтирилган. Адсорбция дифференциал энтропияси дастлаб -14.99 Ж/моль*Кдан бошланади. Аста секинлик билан -16,20 Ж/моль*Кдан -24.53 Ж/моль*К гача пасайиши кузатилади. -24,53 Ж/моль*К дан -33,49 Ж/моль*К гача бўлган ораликда адсорбция энтропияси тўлқинсимон кўринишда пасайиб боради. Бу ерда адсорбция микдори 4,01 ммоль/гни ташкил қилади. 4,01 ммоль/г дан ўтгандан кейин адсорбция дифференциал энтропиясининг кескинлик билан кўтарилиш ҳолатлари кузатилади. Ўртача интеграл энтропия -24,53 Ж/моль*К ни ташкил қилади.

12(b)-расмда LiX цеолитига углерод оксисульфид молекуласи адсорбцияси иссиқлик мувозанат вақти келтирилган. LiX цеолитига углерод оксисульфид молекуласи адсорбцияси мувозанат вақти дастлаб 3 соатни ташкил этади. Бу ҳолатни мувозанат вақтида ҳам кузатиш мумкин. Адсорбция 4 ммоль/ггача бўлганда 20 дақиқадан 3 соат орасида боради. Бунда адсорбция цеолит супербўшлиғида боришидан далолат беради. 4 ммоль/г дан кейин адсорбция мувозанат вақти кескин тушиб кетади.

ХУЛОСА

Диссертацияси ишини бажаришда олинган асосий илмий натижалари қуйидагилар ҳисобланади:

1. 13 X типидпги цеолитларда водород сульфид, метилмеркаптан ва углерод оксисульфид молекулалари адсорбцияланиш жараёнида турли хил ион-молекуляр комплекслар ҳосил бўлишида S_I ва S_{III} позициялардаги натрий ва литий катионлари α -супербўшлиққа миграцияланиши исботланди.

2. 13 X типидаги цеолитларда водород сульфид, метилмеркаптан ва углерод оксисульфид молекулалари адсорбция дифференциал иссиқлиги поғонали кўринишда пасайиб боради. Дастлабки олтингугуртли бирикма молекулаларининг адсорбцияланишида дифференциал иссиқлиги юқори бўлиши аниқланди.

3. 13 X типидаги Na^+ ва Li^+ катионли цеолитлар бўшлиқларига мос равишда NaX га 4,63 ммоль/г, LiX га 5,06 ммоль/г водород сульфид, NaX га 5,11 ммоль/г ва LiX га 5,65 ммоль/г метилмеркаптан, шунингдек NaX га 4,42 ммоль/г ва LiX га 4,76 ммоль/гга углерод оксисульфид молекулалари адсорбцияланади. LiX цеолитига олтингугуртли бирикмаларнинг адсорбция миқдори NaX цеолитига нисбатан юқорилигини кўрсатди.

4. NaX цеолитига водород сульфид изотермаси уч босқичда боради. Биринчи ва иккинчи босқичда водород сульфид молекулалари кучли адсорбцияланиш билан боради, учинчи босқичда эса асосан адсорбат адсорбат ўртасида боради. S_{II} позициядаги катионларга 4,0 ммоль/г ва S_{III} позициядаги катионларга эса 0,63 ммоль/г H_2S адсорбланади. LiX цеолитининг бўшлиқлари водород сульфид билан тўйиниши учун, 0,28 ммоль/г H_2S S_I позициядаги катионларга, S_{II} позициядаги катионларга 4,52 ммоль/г ва S_{III} позициядаги катионларга эса 0,26 ммоль/г H_2S адсорбцияланиши аниқланди.

5. 13 X типидаги цеолитлар супербўшлиғида водород сульфид, метилмеркаптан ва углерод оксисульфид молекулалари суяқ ҳолат энтропия қийматлари каби бўлади. NaX ва LiX цеолитлари бўшлиғида адсорбцияланган олтигугуртли бирикма молекулаларининг ўртача интеграл энтропияси қийматлари мос равишда водород сульфид учун NaX -34,28 Ж/моль*К ва LiX -37,47 Ж/моль*К, метилмеркаптан учун NaX -47,11 Ж/моль*К ва LiX -41,92 Ж/моль*К, углерод оксисульфид учун эса NaX -18,47 Ж/моль*К ва LiX -24,53 Ж/моль*К ни ташкил қилди.

6. Амалга оширилган тадқиқот натижалари нефт ва нефт маҳсулотларини тозалашда, табиий газларни қуритишда, олтингугуртли бирикмалардан тозалашда ва сорбцион хусусиятга эга маҳаллий ҳомашёлардан микроғовакли адсорбентлар олишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.03/29.08.2023. К/Т.66.02 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ
ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ДЕХКАНОВА НИГОРА НАМАНЖАНОВНА

**ТЕРМОДИНАМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА И ИОННО-МОЛЕКУЛЯРНЫЕ
МЕХАНИЗМЫ АДСОРБЦИИ СЕРОСОДЕРЖАЩИХ СОЕДИНЕНИЙ В
ЦЕОЛИТАХ ТИПА 13 X**

02.00.11 - Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2023.2.PhD/К644 Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан.

Диссертационная работа выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте, а также в институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного семинара (www.iohx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Рахматкариева Феруза Гайратовна
доктор химических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Кулдашева Шахноза Абдулазизовна
доктор химических наук, профессор
Ихтиярова Гулнора Акмаловна
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Защита состоится «_____» 2023 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г.Наманган, ул. Косонсой, 7. Тел.: (+99869) 228-76-75; факс: (+99869) 228-76-71; e-mail: niei_info@edu.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института за №460, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (160115, г.Наманган, ул. Косонсой, 7.). Тел.: (+99869) 228-76-75; факс: (+99869) 228-76-71.

О.К.Эргашев

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н., проф.

Д.Ш.Шеркузиев

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н., проф.

А.С.Боймирзаев

Председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению
ученой степени, д.х.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом производстве нефти и газа, а также фармацевтических и других промышленных отраслях соединения серы различного строения, оказывающие негативное воздействие на окружающую среду, приводят к снижению качества получаемого продукта. Очистка природного газа и нефти от метилмеркаптана, серооксиглерода и сероводородных газов (в основном содержащихся в природном газе и нефтепродуктах), является одним из важнейших задач. Синтетические цеолиты с высокими сорбционными свойствами используются при очистке от микрочастиц примесей серы. С каждым годом возрастает потребность к микропористым адсорбентам с высоким сорбционным объемом, длительно сохраняющих свои свойства при адсорбционной очистке. Определить способы получения цеолитов, которые можно использовать длительное время, сохраняя при этом высокие сорбционные свойства, а также на основе полученных результатов добиться научно-практических инноваций имеет большое значение.

На сегодняшний день в мировом уровне ведутся научные исследования по разработке микропористых синтетических адсорбентов и механизмов их сорбционного процесса, а также технологии их получения. В связи с этим особое внимание уделяется на определение состава имеющихся синтетических микропористых цеолитов; определение эксплуатационных свойств цеолитов; определить влияние соединений, проявляющих кислотные свойства, на структуру цеолита; изучение полных термодинамических свойств и термокинетических закономерностей адсорбированных серосодержащих газов; разработке технологии долговременной сохранении сорбционных свойств синтетических цеолитов.

Бурное развитие химической промышленности в нашей республике ведет к расширению новых производств конкурентоспособной продукции. В частности, получены научные и практические результаты по синтезу микропористых адсорбентов и всестороннему изучению их адсорбционных свойств. В третьем направлении Стратегии развития Нового Узбекистана, направленной на дальнейшее развитие Республики Узбекистан, намечены задачи «Внедрение рыночных механизмов в сфере газоснабжения с гарантиями социальной защиты путем ускорения трансформационных процессов в нефте-газовой сфере»². В этом направлении, в частности, синтез микропористых адсорбентов с высокой сорбционной способностью и их применение в нефте-газовой промышленности на сегодняшний день имеет большое значение.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит осуществлению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан ПП-4805 от 21 августа 2020 года «О мерах по повышению

¹[Указу](#) Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 “О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы”

качества непрерывного образования и эффективности науки в области химии и биологии», УП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышение ее инвестиционной привлекательности», а также в постановлении Президента «О стратегии развития Нового Узбекистана намеренных на 2022-2026 годы», направленных на дальнейшее развитие Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года и других нормативных правовых документов, связанных с этой деятельностью, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением VII этапа развития науки и технологии республики «Химические технологии и нанотехнологии».

Уровень изученности проблемы. В мировых исследованиях в основном освещены строение цеолитов и расположение в них катионов, но информация о механизме процессов адсорбции серосодержащих соединений, а также молекулярных термодинамических свойств адсорбции встречается редко.

Исследования зарубежных ученых показывают, что М.М. Дубинин одним из первых определил изотермы адсорбции молекул воды на цеолитах СаА калориметрическим методом. Энн Джулбе и Мартин Дробек исследовали обмен катионов в цеолитах и их структуру, Тао Чжу, Син Чжан адсорбцию летучих органических соединений, итальянские ученые Г. Мартра, С. Колучча и др. адсорбцию аммиака и бензола на цеолитах NaX и NaY с использованием метода ИК-спектра, Анетт Кондор, Андраш Даллос, Хуимин Чжэн, Лян Чжао и др. изучали изотермы адсорбции моно- и диароматических соединений на фожазитах с помощью газо-жидкостной хроматографии.

